



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркель 12 март куни видеоанжуман шаклида учрашув ўтказдилар.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқишлари кўзда тутилган.

Олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликка доир кўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Музокараларда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил январь ойида расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди, ўша йилнинг май ойида эса Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Германия Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий, инвестициявий ва технологик шерикларидан биридир.

Ўтган йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш 829 миллион долларни ташкил этган, мамлакатимизда Германиянинг 700 миллион доллардан зиёд инвестициялари ўзлаштирилган. Ўзбекистонда 200 га яқин кўшма корхона фаолият юритмоқда.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИГА ДОИР АХБОРОТ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

БМТ қароргоҳида Ўзбекистоннинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича тажрибаси тўғрисидаги ахборот БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ҳужжат БМТнинг барча расмий тилларида чоп этилиб, аъзо давлатлар орасида тарқатилди, шунингдек А/75/773 рақами остида ташкилотнинг Расмий ҳужжатлар тизимига жойлаштирилди.

▶ Давоми 3-бетда

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН САММИТИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТУРТИ БЕРАДИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон бугун Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ёнма-ён туриб, минтақанинг дунё миқёсидаги салоҳияти ва обрўсини мустақамлаётган яхши кўшнилари ва ишончли шериклардир.

“Дунё” АА муҳбири Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Хуршид Мирзоҳидов билан икки мамлакат пандемиянинг салбий таъсирига қарши биргаликда курашаётгани, ушбу синови ва мураккаб даврда ҳамкорликда қандай натижаларга эришаётгани ҳақида сўхбатлади.

— Хуршид Мирзобирович, Сиз яқинда Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги элчиси сифатида иш бошладингиз. Фаолиятингизда биринчи навбатда, нималарга эътибор бераётганингиз, Қирғизистонда мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган янгиланиш жараёнига қандай муносабатда бўлинаётгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мен мамлакатимиз дипломатик миссияси раҳбари вазифасини бажаришга 2020 йил май ойининг охирида

киришдим. Бу икки мамлакат ҳам коронавирус пандемиясига дуч келган пайтга тўғри келди.

Ушбу даврда Ўзбекистон раҳбарияти биродар Қирғизистон халқига ёрдам қўлини узатган эди. Кўшни мамлакатга бир неча марта озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, шахсий химоя воситалари ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат инсонпарварлик ёрдами юборилди. Бундан ташқари, коронавирусга чалинган фуқароларни қабул қилиш учун Бишкек шаҳри, Чүй вилояти ва Боткен вилоятининг Қадамжой туманида Ўзбекистон маблағлари ҳисобидан тўлиқ жиҳозланган модулли шифохоналар бунёд этилди.

Ўз навбатида, Қирғизистон раҳбариятига ҳам нафақат коронавирус пандемияси билан боғлиқ, балки ўтган йил май ойида тўғон бузилиши оқибатида юзга келган табиий оқибат муносабати билан Сардоба ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисига жавоб ёрдами курсатгани учун миннатдорлик билдираман.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ



БОЛАЛАР — БАХТИМИЗ БАҲОРИ

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўлини бўлиб, ҳар томонлама соғлом, баркамол шахсни тарбиялашда гоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида юртимизда давлат-хусусий шериклиги, аутсорсинг каби замонавий механизмлар биринчи бўлиб айнан мактабгача таълим тизимига кенг қўламда, самарали ва сифатли жорий этилди. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасалари ҳам шиддат билан ривожланиб, улар сони муттасил кўпайиб бормоқда.

Нурота тумани Навоийнинг олис тоғли-чўлли худудида, вилоят марказидан 60 километр узоқликда жойлашган. Туманда 28 та маҳалла мавжуд бўлиб, унда турли миллатга мансуб 85 минг 157 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксар қисми чорвачилик билан шуғулланади. Туман худуди тоғ ва чўлдан иборат бўлгани сабабли айрим аҳоли пунктларининг оралиғи 20-25 километр ва ундан ҳам ортиқ масофани ташкил этади.

▶ Давоми 6-бетда

ДЎСТЛИК РИШТАСИ



ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ СУЮКЛИ АДИБИ

Асл адабиёт халқлар ўртасида ишонч кўприklarини бунёд этади, тил, эътиқод, анъана ва тутумлардаги ихтилофларни йўққа чиқариб, шодлик, ҳайрат туйғуларни орқали бизларни яқдиду яқтан қилади.

Юртимизда миллий адабиётимизни ривожлантириш билан бир қаторда, қардош халқлар ёзувчи-шоирларининг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Дунё адабиётининг энг сара намуналари мунтазам равишда ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР

пировардида, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Ривожланишнинг юксак чўққиларини кўзлаб тараққиёт йўлларида илгариланган бораётган ҳар бир давлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш ҳамда бошқа муҳим харажатларини қоплаш учун халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатлардан маблағ жалб этади. Аслида бугунги глобал дунёда бу жараён илғор тажрибага, жамиятда иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланган.



Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси спикери ўринбосари:

Кейинги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, жамиятда очиқлик, ошкоралик муҳитини кучайтириш борасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли юртимизда инвестиция фаоллиги ошиб бормоқда. Четдан кириб келаётган маблағ эса иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларига, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни ҳал этишга йўналтирилаётгани халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш ва юрт тараққиётини юксалтиришга замин яратмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва экспертлар мамлакатимиз иқтисодиётига сўнгги йилларда жалб этилаётган ташқи қарзлардан фойдаланиш самараси, бу борадаги жаҳон тажрибаси хусусида сўз юритади.

— Давлатларнинг ташқи қарзи атрофида доимо баҳс юритилади, турлича фикрлар учрайди. Гап шу ҳақда кетганида, аввало, айтиш мумкинки, ташқи қарзни қайсидир маънода давлатга бўлган “ишонч кредити”, деб ҳам тушунас бўлади. Зеро, қарз ёки инвестиция ҳамма давлатга ҳам берилвермаслиги кундек равшан.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ва унинг тарихи бўйича расмий маълумотлар эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларида айрим фуқаролар томонидан вазиятни тўғри баҳола-

масдан туриб, танқидий фикрлар билдирилди бошланди. Аслида бу ҳам ижобий ҳолат. Чунки янгиланаётган Ўзбекистонда ҳар қандай соҳада очиқлик, шаффофлик алоҳида мезон сифатида белгиланган. Лекин давлат ва халқ манфаатлари билан боғлиқ масалаларда муносабат билдириш ёки хабар тарқатишдан олдин масалани атрофлича таҳлил қилиб, кейин фикр айтилса тўғри бўлади.

Давлат ташқи қарзини муҳтожлик туфайли олинган оддий қарз маъносидеда тушунамлик керак. Ташқи қарз аслида мақсадли кредитлар, сармоялар ва бошқа маблағларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини билдиради. Халқимизнинг фаровон ҳаётини ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади. Аҳолининг яшashi, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур бўлган энергетика, сув таъминоти, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш учун катта миқдордаги сармоялар талаб этилади.

▶ Давоми 2-бетда

САЙЁР ҚАБУЛ

МУАММО, МУРОЖААТ, ЕЧИМ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козим Комилов Хоразм вилоятида сайёр қабул ўтказди. Тадбир Шовот, Ҳазорасп, Хонқа туманлари ҳамда Урганч ва Хива шаҳарларида ташкил этилдики, бу барча муурожаатчиларнинг келиб-кетишлари учун қулайлик яратди.

— Эътиборсизлик туфайли иш жойимда фамилиям хато ёзилгани учун пенсияга чиқишимда оворагарчиликлар гирдобиде қолгандим, — дейди фуқаро Мунаввар Норматова. — Бир йилки, ҳужжат йиғдим. Тўрт ойки, қаерга муурожаат қилмай, ҳақлигимни исботлай олмадим. Олий суд раиси қабули борлигини эшитиб, етиб келдим ва муурожаат қилдим. Ҳужжатларим билан танишиб, шу куннинг ўзида аризамни фуқаролик ишлари судида кўриб чиқишди ва иш стажим менга тегишлилиги бўйича қарор чиқаришди. Муаммом бир кунда ҳал бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сайёр қабул давомида муурожаатлари тезкор ижобий ҳал қилинган ўн нафар фуқаро давлатимиз раҳбари номига миннатдорлик хатлари ёзишди. Фақат Мунаввар эмас, яна 18 нафар фуқаронинг пенсия таъминоти билан боғлиқ муурожаатлари жойида ҳал этилди.

▶ Давоми 4-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА
ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР

пировардида, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Бошланиш 1-бетда

Ички имкониятлар чекланган ҳолатда давлат ташқи қарзи, асосан, инфратузилма, саноат ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига йўналтирилмоқда. Тушуни олишимиз кераки, биринчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ташқи қарзи миқдори жуда паст даражада, деб ҳисобланади. Иккинчидан, ташқи қарз хавотирга туширадиган сабаб эмас. Агар бу қарз нотўғри сарфланса ёки шаффоф бўлмаган жараёнлар орқали ўзлаштирилса, ана шундагина хавотир ўринли ва асосли бўлади.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида жуда катта мақсад ва вазифаларни амалга оширишга киришдик. Инвестицияларни барқарор жалб этиш ҳам ана шу муҳим вазифалар сирасига киради. Биламиз, инвестиция ўз-ўзидан кириб келмайди. Бунинг учун мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш зарур.

Шу маънода, қарз олиб, уни ақл, илмга асосланиб, аниқ ҳисоб-китоблар

билан сарфлаб, кейинчалик босқич-ма-босқич қайтариш жуда тўғри йўлдир. Пировард мақсад битта — халқимизнинг бугунгидан-да фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш. Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ҳамда инвестиция киритиш учун энг жозибдор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Зеро, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига қарайдиган бўлсак ҳам мазкур амалиёт ўзини тўла оқлаган.

Таъкидлаш лозимки, аниқ пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарз олиш масаласи муҳим. Чунки жалб қилинаётган давлат ташқи қарзлари энергетика, транспорт ва транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, кимё, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳаларга йўналтирилади. Агар четдан маблағ жалб этилмаса, ислотхоналарни давлат бюджетидан амалга оширишга тўғри келади.

Шу нуқтага назардан, ташқи қарзни, биринчи навбатда, давлат дастурла-

рини ва давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадида мувофиқдир. Қолаверса, ташқи қарздан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишда шаффофлик таъминлаш, бу борадаги ахборотлар кенг жамоатчиликка маълум қилинишини ҳам ижобий қадам сифатида баҳолаш зарур.

Умуман олганда, ташқи қарзларни нуфузли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимизга бўлган ишончи, деб баҳолашимиз жоиз. Такрор бўлса-да таъкидлаш ўринлики, қарз ҳар қандай давлатга ҳам берилвермайди. Аввало, қарз олувчининг ишончилиги, иқтисодий имкониятлари ва истиқболлари обдон ўрганилади. Мавжуд таҳлиллар, мамлакатимизнинг ички ресурс ҳамда имкониятларини, қолаверса, янги ислотхоналар самарасидан келиб чиқиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, давлат ташқи қарзи борасида тушкунликка ёки хавотирга тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Жараён аниқ таҳлил ва ҳисоб-китобларга таянган ҳолда олиб бориляпти.



Нодир ТИЛОВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг давлат ташқи қарзи тўғрисидаги мавзу ижтимоий тармоқлар ва интернет нашрларда фаол муҳокама этилаётганини ижобий баҳолайман. Мазкур ҳолат, аввало, халқимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тафаккури ошаётганини, қолаверса, ватанимиз тақдирига бефарқ эмаслигини намоён этади.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқимизнинг нафақат келажакда, балки бугун ҳам яхши яшаш учун шароит яратиш таъминли асосида барча жаҳонларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Албатта, аҳолининг ҳаёт даражаси, турмуш сифатини ошириш, саломатлигини сақлаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ижтимоий инфратузилмаларни тақомиллаштириш, саноат корхоналарини ишга тушириш учун катта миқдордаги сармоя талаб этилади.

2020 йилнинг якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 17,5 фоизи ёки 3,7 миллиард доллар давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга, 12,4 фоизи ёки 2,6 миллиард доллар энергетика соҳасига, 13,7 фоизи ёки 2,9 миллиард доллар электр энергетика соҳасига, 11,5 фоизи ёки 2,4 миллиард доллар транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 11 фоизи ёки 2,3 миллиард доллар уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларига йўналтирилгани фикримизнинг таъкидидир.

Айни пандемия шароитида талаб этиладиган катта маблағларни фақатгина солиқ, боҳжона ва бошқа йиғимлардан тушадиган маблағлар

рани ривожлантиришга йўналтирилган.

Ҳозирги давр мураккабликларини инсониятни шошириб қўймоқда. Пандемия оқибатларини юмшатиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш барча мамлакатларда энг устувор йўналишга айланди. Шубҳасиз, юқори давлат қарзи, хусусан, хорижий валютада олинган ташқи қарзга хизмат кўрсатиш пандемия боиси янада мураккаблашди. ЯИМнинг пасайиши, миллий валюта қадри тушиши оқибатида давлат қарзининг ЯИМга нисбати кескин ошиб бормоқда.

Фискал мақони кенг мамлакатлар давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, пандемия сабабли шароитлари оғирлашган соҳаларни устувор равишда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётган бўлса, бундай имкониятга эга бўлган давлатларда ташқи қарз миқдори орттириш ёки унга хизмат кўрсатиш шартлари ёмонлашиши тенденциялари кузатилмоқда.

Ўзбекистонда эса пандемия туфайли юзага келган мураккаб вазиятга қарамай, халқаро ликвидликка путур етказмаган, яъни, халқаро захираларни сарфламаган ҳолда ташқи қарз ислотхоналари давом эттириш, устувор равишда ижтимоий соҳа лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилмоқда. Бу эса айни шароитда мавжуд таҳдидларга тезкор бериш йўлидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтish жоизки, одатда ташқи қарз жалб қилинишидан аввал етарлики асосланган лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқирилиши, улар мамлакат учун аниқ пайтда ортга суриб бўлмайдиган, стратегик аҳамиятга эга, долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши, давлат томонидан белгилаб қўйилган устувор йўналишларга мос келиши шарт. Масалан, 2020-2021 йиллар учун инқироздан кейинги даврда иқтисодиётни тиклаш бўйича қабул қилинган кенг қўлмали дастурда ташқи қарзлардан самарали фойдаланиш, уларни устувор равишда инфратузилма лойиҳаларини, иқтисодий ўсишга бевоқиф ва иккинчи даражали таъмир кўрсатадиган ижтимоий объектларни молиялаштиришга қаратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқа ва ўрта муддатда қисқартиришга йўналтириш белгиланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури маълумланган. Мазкур дастур таркибидан ўрин олган лойиҳалар мазмундан кўриниб турибдики, давлат ташқи қарзининг асосий қисми нефть-газ, кимё соҳасида соҳаларида янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иссиқлик электр станцияларини қуриш ва модернизация қилиш, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, канализация тизимини ривожлантириш ва бошқа саноат тармоқларидаги янги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари ҳам демакдир.

Бинобарин, инфратузилмани ривожлантириш, қурилиш соҳасига инвестициялар, ижтимоий соҳани молиялаштиришга жалб қилинган маблағлар пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши муқаррабдир.

ажратилади. Бундай лойиҳаларни танлаб олишда ҳам аниқ мезонлар, босқичлар, бир сўз билан айтганда, синалган механизм амал қилади.

Ташқи қарзнинг ҳажми ҳаттоки ривожланган мамлакатлар аҳолисини катта ташвишга солади ҳамда солиқлар кўпайиши билан хавотирлар пайдо бўлади. Бунга ўхшаш ҳадиклар мамлакат ташқи қарзини бюджет дефицитини қоплашга йўналтирган вақтларда кескинлашади. Тўғри, жаҳондаги умумий вазият корона-вирус пандемияси оқибатида оғирлашди. Табиийки, пандемия нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда давлат қарзи кўпайишига олиб келди.

Масалан, 2019 йил якунига бўйича Япониянинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 236,6 фоизни ташкил этган. Европа Иттифоқи бўйича давлат қарзининг ЯИМга ўртача нисбати 2020 йилнинг 1-чорагида 79,5 фоизни, евроҳудудда эса 86,3 фоизни ташкил этган. 2020 йил 1-чораги ҳолатига давлат қарзининг ЯИМга нисбати энг юқори бўлган ЕИ давлатлари қаторига Греция (176,7 фоиз), Италия (137,6 фоиз), Португалия (120,0 фоиз), Бельгия (104,4 фоиз) ва Франция (101,2 фоиз) киритиш мумкин.

Бундан кўринадики, ҳозирги кунда ЕИнинг аксарият мамлакатлари учун Маастрихт келишувига келтирилган мезон амалда ўз аҳамиятини йўқотиб бўлган.

Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ноқаррор давлатлардаги ташқи қарз билан боғлиқ муаммалар янада аянчли эканини кузатиш мумкин. Масалан, Мозамбикда давлат қарзининг ЯИМга нисбати 2018 йилда 100 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, 130 фоизга етган. Мазкур мамлакат шундоқ ҳам жуда кичик фискал мақонга эга эди. Бу эса мамлакатнинг харажатлари таълим борадаги имкониятини чеклаб қўяди.

Шунингдек, Африканинг чуқур қарзга ботган мамлакатлари қаторига Ангола, Конго, Жибути ва Мисрни қўйиш мумкин. Мазкур давлатларда ташқи қарзининг ЯИМга нисбати 100 фоиздан ортади ва пандемия шароитида молиявий қийинчиликларни ҳал этиш жиддий муаммага айланган. Бу ерда гап қўшимча ташқи қарз жалб қилган ҳолда айнан пандемия инқирози оқибатида қарзга хизмат кўрсатишининг оғирлашгани ҳақида кетмоқда.

Мазкур мамлакатларга кўмаклаштиришни бирдан-бир йўли ташқи қарзни реструктуризация қилган ҳолда қўшимча бегараз молиявий ёрдам ёки имтиёзли шартларда янги қарз бериш ҳисобланади.

Бироқ реструктуризация ҳам бундай мамлакатларга узоқ муддатли истиқболда доимо фойда келтиривермайди. Пандемия оқибатларини юмшатишга қаратилган харажатларни ошириш ва шу мақсадда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш шартларини енгиллаштириш пировардида пандемиядан сўнг кечиктирилган тўловлар ҳисобига кўпроқ қарз тўлашга ҳам олиб келиши мумкин.

БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг 2020 йил июнь ойидаги мурожаатида пандемия туфайли 2020 йилда 50 миллион киши ўта қашшоқлик домига тушиб қолиши борасидаги хавотир ҳам беҳис эмас. Шу боис, барча етакчи давлатлар ҳукуматлари корона-вирус пандемиясининг иқтисодий таъсирини чеклаш учун фақуллода ёрдам чораларига йирик миқдорда маблағлар сарфлади.

Қийин вазиятда ҳам мамлакатимиз ташқи манбалардан қарзларнинг аксарият қисmini, асосан, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни молиялаштириш, жумладан, инфратузил-



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, иқтисод
фанлари доктори, профессор:

— Дарҳақиқат, ташқи қарз мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқарони мулоҳазага чорлайдиган масала. Ҳозирги кунга келиб кўпалаб ривожланган мамлакатларда инқироз пайтида миллий қарз янги ички маҳсулот ҳажимидан сезиларли даражада ошиб кетди. Одатда муваффақиятли ривожланиш учун давлат қарзи ЯИМнинг 60 фоизидан ошмаслиги керак, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, бюджетни бошқариш муваффақиятини баҳолаш учун расмий равишда қабул қилинган мезон мавжуд. Мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатли истиқболда ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун бюджет камомади ЯИМнинг 3 фоизидан, давлат қарзи эса 60 фоиздан ошмаслигига доир мезонлар Европа Иттифоқи томонидан Маастрихт келишувига киритилган.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ташқи қарзи бўлмаган мамлакатлар деярли қолмаган. Ташқи қарзларнинг молиявий таъсир кучи иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларини молиялаштиришга, йирик иқтисодий ислотхоналарни амалга оширишга ва дунёдаги мавжуд вазият ўзгарганда иқтисодиётни тезда тиклашга ёрдам беради. Демак, қарз қанча кўп бўлса, мамлакатга бўлган ишонч шунча юқори бўлади. Аксинча, мамлакатга бўлган ишонч қанча юқори бўлса, у шунча кўп пул жалб қилиши мумкин.

Даставвал умумий ташқи қарз таркиби ҳақида бироз аниқлик киритиб олиш зарур. Хусусий сектор қанча қарз олади, уни қандай қайтарди — бу алоҳида масала. Ушбу қарзларни қайтариш хусусий секторнинг зиммасида бўлар экан, унинг замирида бозор конъюктураси ва турли хатарларни ҳисобга олиб қўшилган қиймат яратадиган, сараланган лойиҳалар ётибди. Демак, хусусий сектор ташқи қарзини қайтариши учун етарли асослар мавжуд. Хусусий ташқи қарз қайтмаган тақдирда ҳам биз, солиқ тўловчилар учун катта фойда эмас.

Бироқ давлат ташқи қарзи ва унинг айнан давлат бюджети камомадини қоплаш мақсадида жалб қилинадиган қисми ҳақиқатда анча жиддий масала. Чунки давлат ташқи қарзи, ҳоқ қисқа, ҳоқ узоқ муддатли бўлсин, бугунги солиқ тўловчиларни ҳам, келажак солиқ тўловчиларини ҳам бирдек ўйлантарди. Зеро, бу ерда молияни кредитдан фарқлайдиган жиҳатлардан бири — қайтариш таъминли амал қилмайди. Яъни бюджетдан сарфланган маблағларни олувчи томон қайтармайди. У келгуси бюджет даромадларидан, хусусан, асосан, солиқ тўловчилар маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

Давлат инвестиция дастури асосида лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилинаётган ташқи қарз уни молиялаштириш тармоғи ёки объекти хусусиятларидан келиб чиқиб, имтиёзли шартларда

ҳисобига шакллантириш мураккаб. Одатда тўлов баланси манфий, давлат бюджети тақчиллиги мавжуд бўлган, имкониятлар чекланган ҳолатларда йирик лойиҳаларни молиялаштириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида ташқи қарзга мурожаат қилиш жуда кенг тарқалган амалиётдир. Нафақат ривожланаётган, балки энг ривожланган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётини юксалтиришда учун ташқи қарз омилидан моҳирона фойдаланади. Масалан, ташқи қарз суммаси ЯИМга нисбатан АҚШда 138 фоиз, Японияда 237 фоиз, Францияда 99 фоизни ташкил этади. Ҳатто АҚШда ташқи қарз халқаро монетар тизим асосини ташкил этувчи омилдир.

Шундай экан, бугунги глобаллашган ва молиявий ресурслар чекланган замонда ташқи қарз жалб этиш ва уни самарали бошқариш мамлакатнинг энг муҳим молиявий воситаларидан бири ҳисобланади.

Арзон ва узоқ муддатли ташқи қарздан фақатгина бугунги давр харажатларини қоплаш учун эмас, балки мамлакатимизнинг иқтисодий салохиятини оширишга имкон берадиган йирик инфратузилма ва саноат корхоналарини барпо этиш учун фойдаланиш эртанги тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор яратди.

2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз 21,1 миллиард долларни, ЯИМга нисбатан эса 36,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон давлат қарзининг сўнгги йиллардаги ўсиш суръати барчамизни бироз ташвишга солаётгандай. Лекин ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг ЯИМга нисбатан 1,7 фоизни, давлат ташқи қарзининг Ўзбекистоннинг халқаро захираларига нисбати 60 фоизни ташкил этиши, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг реал ўсиши 5-6 фоиз прогноз этилаётганини инобатга олсак, ташқи қарзни қайтаришда ҳеч қандай муаммолар туғилмаслиги равшан бўлади.

Ташқи қарзининг барча мамлакатлар учун умумий хатарли бўлган максимал кўрсаткичини белгилашнинг имконияти мавжуд эмас. Ушбу кўрсаткич ҳар бир давлатга нисбатан хусусий ёндашувлар асосида мам-

лакатнинг экспортдан тушадиган валюта маблағлари миқдори, мамлакатнинг олтин ва бошқа валюталардаги захиралари каби кўрсаткичларни таҳлил қилган ҳолда тавсиявий ҳаракатлар ишлаб чиқилади.

Шундай бўлса-да, ташқи қарз умумий миқдорининг кескин орттириши ёки ундан самарасиз фойдаланиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимол. Бу эса бугунги кунда нафақат иқтисодиётимизни издан чиқариши, шунингдек, келгуси авлодга ҳам тизимли муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Айнан шу боис, давлат ташқи қарзи билан боғлиқ ноҳўя оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ҳукумат томонидан бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қонун ҳужжатлари билан давлат қарзи миқдорини янги ички маҳсулотга нисбатини 60 фоиздан оширмаслик қатъий белгилаб қўйилди. Давлат қарзини жалб қилиш ва ишлатишда шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат қарзи ҳисобидан молиялаштирилган ва яқунланган барча лойиҳалар мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси томонидан аудитдан ўтказилади. Қонунчилик палатаси депутатлари ва ОАВ иштирокида муҳокама қилиниб, кенг оммага мунтазам равишда эълон қилиниши таъминланмоқда.

Шу ўринда, ташқи қарзни камайтириш омиллари ҳам тўхталиб ўтсак. Бунинг учун мамлакатнинг ички қарз миқдорини ошириш ҳамда капитал бозорини ривожлантириш муҳим омилдир. Бугунги кунда давлатимизнинг ички қарзи 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлиб, жами давлат қарзининг 9,2 фоизини ташкил этади. Ички қарз шаклланиши жараёнида молиявий маблағларнинг мамлакат ҳудудидан чиқиб кетмаслиги ҳамда мазкур жараёнда давлатнинг асосий инвестори халқ бўлиши давлатимизга бўлган юксак ишончини аёнлатади.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи қарзни самарали бошқариш, ички қарз ва капитал бозорларини уйғунликда ривожлантириш орқали аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифати юқори, энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига эришамиз.

рини яратишга йўналтириш мақсади муҳассам.

Одатда давлат қарзи бир неча қисмларга ажратилиб, унда мамлакатнинг жағиат ва иқтисодиёт соҳаларидаги давлат сиёсати, макроиқтисодий ҳолат муҳим ўрин тутади.

Оқилона қарз сиёсати давлат ва жағиат учун хатарли бўлмайди. Тўғри, қарз миқдори мамлакатнинг турли салбий таъсирларга мослашувчанлигини камайитириши мумкин. Шу сабаб, барча мамлакатлар ташқи ва ички қарзларнинг барқарорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратади. Қарзларнинг барқарорлигини таъминлашда ЯИМга нисбатан улуши муҳим аҳамиятга эга, чунки қарзларнинг ҳажми келгусида давлатнинг ўз қарзига хизмат кўрсатиш ва иқтисодиётни янада ривожлантириш имкониятларини акс эттиради.

Шу билан бирга, давлатнинг иқтисодий сиёсатида қарзлар ҳажми ўсиши доимий муҳокамаларга сабаб бўлади ҳамда жағиатнинг таъминлаш имкониятини яратиш жуда муҳимдир.

Халқаро валюта жарғармаси маълумотига кўра, дунёда давлат қарзи ҳажми 2020 йилда 14,1 фоиз ошиб, ЯИМнинг 97,6 фоиз ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2 фоиз ошishi кутилмоқда. 2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси давлат (ташқи) қарзи эса ЯИМга нисбатан 36,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шу ўринда ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ташқи қарз самарали бошқариляпти ва бу қарзларнинг 70 фоизи узоқ муддатли бўлиб, ЯИМ ҳажмининг босқичма-босқич ўсиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, қарзларни қайтаришда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Бу борада яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратмоқчиман. Жаҳон банки прогнозига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда 6 фоиз ўсиши кутилмоқда. Пандемия даврида кўплай мамлакатлар иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. Ўзбекистон



Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлиси Мурожаатномасида "Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинладиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади", деб қайд этди. Ушбу фикрлар замирида қарз маблағларини самарали бошқариш учун янги қиймат занжи-






Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз ички тўловларини амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини қоплаш, ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш ва жалб қилинган ташқи қарз тўловларини тўлаш учун молиявий ресурсларга эҳтиж сезмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас.

айрим ривожланган мамлакатлар қаторида бундай инқирознинг олдини олиш учун муҳим чораларни қўлади. Жаҳон банки бу чора-тадбирларни ижобий баҳолади. Жумладан, пандемия даврида солиқлар ундирилишини тўхтайтириш, кредит тўловлари муддатини узайтириш, иқтисодиёт тармоқларини субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолига ижтимоий ёрдам бериш чоралари эътироф этилди.

Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилган чикилик сиёсати ва ҳамкорликка тайёрлиги, иқтисодиётни барқарор ўсиб бораётганига ижобий ҳулоса берди. Шунингдек, Ўзбекистондаги иқтисодиёт соҳаси экспертлари, олимлар ҳам юртимиз ўз ташқи қарзини тўлашга имконияти ва салохияти етишини, бу қарз салбий оқибатларга эмас, аксинча, олдимизга қўйган катта марраларни забт этишга асос бўлиши қайд этди.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН САММИТИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТУРТКИ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИГА ДОИР АХБОРОТ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҚУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

2020 йил синовларга бой бўлганига қарамастан, Ўзбекистон — Қирғизистон алоқалари изчил ривожланди. Қирғизистонликлар республикамиздаги янгилашни жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб келмоқда. Бу, аввало, раҳбарлигида амалга оширилаётган илоҳотлар ва ўзгаришлар нафақат Ўзбекистонга, балки қўшни давлатлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Давлатимиз ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши айнан Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона ва яхши қўнчимчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ушбу илоҳотлар самарасини сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари жадал ривожланиб бораётгани, ўзбек бизнеси вакиллари Қирғизистон бозорига дадил кира бошлагани, маданий-гуманитар алоқалар янада мустаҳкамланаётгани, олий ва юқори даражадаги ўзаро ташрифлар мунтазам равишда ташкил этилаётгани ҳам кўриш мумкин. Барчамиз Қирғиз Республикаси Президентини Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга ташрифини кутмоқдамиз. Бу икки давлат ўртасидаги дўстона ва стратегик алоқаларнинг ўзига ҳос тасдиғи бўлади.

— Бир неча йил аввал мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳал қилганимиз масалалар мавжуд бўлиб, улар умумий минтақамиз фаровонлиги ва раванки йўлида самарали ҳамкорлик қилишга ҳалал берганини биламиз. Айтинчи, бугунги вазият қандай?

— Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини кўплай муаммоли жиҳатларига ечим топилди. 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида турли муҳим соҳаларда ҳамкорлик қўллашishi билан бир қаторда давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича музокаралар жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда. Натижада биргаликдаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кўпайиши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлашга қаратилган ишлари қўллашishi билан бир қаторда давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича музокаралар жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда. Натижада биргаликдаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кўпайиши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлашга қаратилган ишлари қўллашishi билан бир қаторда давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича музокаралар жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда.

Ушбу йил август ойида Тошкентда ва декабрь ойида Бишкекда икки давлат ҳукуматлари комиссияларининг давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича йиғилишлари бўлиб ўтди. Давлат чегараси бўйича келишув яқини босқичга чиқмоқда. Трансчегаравий сув ва сув иншоотлари, чегараоли ҳудудларидаги яиловлардан фойдаланиш масаласи ҳам нафақат Қирғизистон, балки бутун минтақа билан ўзаро алоқалар учун муҳим бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда биз Сув ҳўжалиги бўйича комиссия тўғрисидаги низомини мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш бўйича ишларни фаоллаштириш, дарё ва каналларни тозалаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун чегараоли вилоятлари су

ҳўжалиги ташкилотлари вакиллари билан иборат доимий қўшма ишчи гуруҳлар тузиш, яйлов чорвачилигини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича аниқ натижаларга эришиш учун ҳукуматлар музокаралар ўтказиш, икки мамлакат ваколатли органлари ўртасида яйловлардан фойдаланишни таъминлаш бўйича қўшма ишчи гуруҳини имзолашни тақриф қилаёلمиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар, айниқса, чегараоли минтақаларда муносабатлар сезиларли даражада фаоллашди. 2017 йилда Ўзбекистоннинг чегараоли вилоятлари ҳўқимлари ва Қирғизистон ҳўқуматининг чегараоли вилоятларидаги ваколатли вакиллари Кенгаши ташкил этилган бунга сезиларли ҳисса қўшган мўҳим воқеалардан бири бўлди.

— Сиз Қирғизистонда бевосита фаолият олиб бораётганингиз сабабли мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини аниқ белгилашда тақрифлар бериш имкониятига эга сиз. Шу маънода, ўзаро иқтисодий алоқалар ва сармовий шериклигини фаоллаштириш учун яна нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз? Қандай минтақавий ташаббуслар мамлакатларимиз ва умуман, Марказий Осиё салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин?

— Салоҳияти тўлиқ очилмаган кўплай истиқболли йўналишлар мавжуд, мен уларнинг энг асосийларини санаб ўтаман.

Биринчидан, бу йўловчилар ва товарлар транзитини ривожлантириш. Бугун ушбу йўналишда изчил ўзгаришлар кузатишмоқда, яъни тўғридан-тўғри парвозлар ва умумий чегарада назорат пунктлари сони кўпайтирилмоқда.

Иккинчидан, Қирғизистон ҳудудида қўшма савдо уйлари очил, иқтисодиётнинг турли тармоқларида биргаликдаги корхоналарни барпо этиш, маҳсулотларни ЕОИИ мамлакатлари, биринчи навбатда, Россия ва Қозғистон бозорларига олиб чиқиш мўҳим аҳамията эга.

Учинчидан, Қирғизистон ҳудудида Хитойга қўшимча транзит йўлиги сифатида фойдаланиш. Барча иштирокчилар томонидан Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини куриш лойиҳаси бўйича келишувга эришишни тезлаштириш зарур. Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш ички савдо-иқтисодий ўсиши, Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистоннинг шарқдан ғарбга йўналтирилган қўлай ва фойдаланган транзит йўли сифатидаги ҳозирда бозорлигини оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, Қирғизистон бозорини мамлакатимиз соноат ва қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, пойабзал маҳсулотлари, тиббиёт ҳижозлари сотиш имкониятларини кенгайтириш. Географик жиҳатдан яқинлиги ва маҳсулотлар нархининг нисбатан арзонлиги сабабли Ўзбекистон маҳсулотлари бошқа мамлакатлар товарлари билан муваффақиятли рақобатлаша олади ҳамда улар бугун Қирғизистон бозорини кенг тарқалмоқда.

Бешинчи йўналиш — соноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат. Бу мазмундаги ҳамкорлик истиқболлари 2020 йил 8 декабрь куни Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Чегараоли ҳудудлари раҳбарлари кенгашининг 3-йиғилиши доирасида келишиб олинди. Бу Қирғизистонга Ўзбекистон билан чегарадош учта жанубий вилоятларнинг (Боткен, Жалолобод ва Ўш) ривожланишини таъминлаш, ички бозорга арзон товарлар етказиб бериш ва қўшма корхоналар яратиш орқали ўз соноатининг ўсишини тезлаштиришга имкон беради.

Сармовий ҳамкорликка келсак, Ўзбекистонда яратилаётган қўлай имкониятлар, тақдим этилаётган имтиёزلар сўнгги пайтларда ҳорижлик тадбиркорлар диққатини тортмоқда. Мамлакатимиз ишончли иқтисодий ва сармовий шерик сифатида қабул қилинмоқда. Ўзбекистоннинг ўзи ҳам Марказий Осиё давлатлари иқтисодий тармоқларига сармова киритишга қодир. Тадбиркорларимиз қўшни давлатнинг истиқболли соҳаларига маблағ йўналтиришни фаоллаштириш керак, деб ҳисоблайман. Биз Қирғизистонга савдо секторини ривожлантиришда ёрдам беришимиз зарур.

Марказий Осиёдаги минтақавий ташаббуслар тўғрисида шуни айтишим мумкинки, биз “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида қўруқликдаги портлар, логистика ва улғуржи тарқатиш марказларининг яхлит тармоғини шакллантириш бўйича савдо-иқтисодий тармоқларини ривожлантириш керак. Бугун қишда Марказий Осиё Буюк Ипак йўли давридаги каби яна бир бор Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлақларининг марказига айлиниши мумкин.

— Халқларимиз тарихи ва маданияти бир-бири билан қамбарчас боғлиқ, улар бугунги кунда дўстлик ва шериклик муносабатларини ривожлантириш учун ишончли асосдир. Ўзбекистонда қирғиз, Қирғизистонда ўзбек миллатига мансуб фуқаролар яшайди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда халқ дипломатияси қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка қандай таъсир кўрсатмоқда?

— Баъзи рақамларга қўра, Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар сони миллионга яқин кишини ташкил қилади. Бу жуда катта кўрсаткич. Шу муносабат билан Қирғизистон билан яқин дўстлик ва шериклик муносабатларини ривожлантириш биз учун асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистондаги қирғиз диаспораси ҳам 300 мингга яқин кишини ташкил қилади. Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашнинг ёрқин мисолларидан бири Жиззах вилоятидаги этник қирғизлар яшайдиган Манас қишлоғини тўлиқ қайта таъминлангани бўлди. Бунинг натижасида мазкур аҳоли пункти Ўзбекистонда замонавий қишлоқларнинг ёрқин намунига айланди.

Шуни таъкидлаш керакки, Қирғизистоннинг ўзбек миллатига мансуб аҳолиси ҳам икки мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни

ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, Қирғизистон Миллий Ёзувчилар уюшмаси Президиуми аъзоси Беғижон Аҳмедов томонидан ёзилган “Дербиш” (“Сайёҳ”) асарини қирғиз тилига таржима қилинган ва Қирғизистонда “2020 йилнинг энг яхши китоби”, деб тан олинди. Бундан ташқари, бугунги кунда элчионамиз халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Қирғизистоннинг турли жамоат ташкилотлари ва 2018 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масаласида иш олиб бормоқда. Бундай алоқалар мамлакатларимиз фуқароларини янада яқинлаштиришга, шунингдек, маданий-гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳаларда таъриба алмашишга имкон беради.

Қирғизлар ва ўзбеклар асрлар давомида ёна-ён яшаб келмоқда, бизни ягона тарих, маданият, анъаналар, дин ва тил боғлайди. Ҳозирда Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари томонидан халқларимиз эришган барча ютуқларни сақлаб қолиш ва янада бойитиш учун барча шароитлар яратилган.

— Олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммитидан нималар кўрилмоқда, бу мамлакатларимиз ва минтақадаги бошқа шериклар учун қандай истиқболларни очиб бериши мумкин?

— 11-12 март кунлари Қирғиз Республикаси Президентини Садир Жапаров Ўзбекистонга биринчи давлат ташрифини амалга оширди. Ушбу воқеа давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифани очди. Биз Қирғизистон ушбу тадбирнинг дўзарб масалаларини ҳал қилиш имконияти сифатида катта аҳамият бераётганини кўряпмиз.

Ташриф якулини бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, шунингдек, идораларини ҳал қилиш имконияти сифатида катта аҳамият бераётганини кўряпмиз.

Ташриф якулини бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, шунингдек, идораларини ҳал қилиш имконияти сифатида катта аҳамият бераётганини кўряпмиз.

Умуман олганда, Президент Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга ташрифи, ишончим комилки, нафақат икки томонлама, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришга туртки беради.

“Дунё” АА



Бошланиши 1-бетда

Хусусан, сўнгги тўрт йил мобайнида янги Ўзбекистон республика иқтисодий, иқтисодий ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида очкиклик ва конструктив ҳамкорлик сифатини олиб бормоқда. Республика ҳукумати фаолиятининг устувор йўналишлари қаторига хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаолигини ошириш, давлат ва жамоат тузилмаларида улар иштирокчи кенгайтириш, шунингдек, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида ва қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш орқали уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кирди.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси гендер тенглигини таъминлаш, қўнчимчиликни такомиллаштириш ва бу соҳада парламент назоратини амалга оширишга қаратилган давлат сиёсатини юритиш бўйича тақрифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунда қўмита бу бордаги қўнчимчиликни ижросини тизимли равишда назорат қилиб бормоқда.

Бундан ташқари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиб, улар фаолиятининг устувор йўналишлари қаторига хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳўнармандчиликни ташкил этишда аёлларнинг иштирокчи кучайтириш ҳамда меҳнат бозорини талаб юқори бўлган касблар бўйича уларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш каби вазифалар белгиланган.

Ҳўжатга мувофиқ, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси

билан Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини тузиш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда. Ушбу Кенгаш фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситилларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси қоидалари ва Пекин платформасини бажариш, Миллий ҳаракатлар режасини амалга оширишни мувофиқлаштиришдан иборат.

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, Ўзбекистонда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, иқтисодий, сиёсий соҳаларда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари ва халқро ташкилотларнинг фаол иштирокида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва давлат органларининг гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги ваколатларини белгиловчи “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қаторлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни таъминлаш ва зўровонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қўнчимчилик қўмитасига эътибор қаратилган.

Ҳўжатда, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ўқитиш тизимини жорий этиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмақлаш, уларга нисбатан зўровонлиқнинг турли шакллари олддини олиш борасида қўрилаётган қатор чора-тадбирлар санаб ўтилган.

“Дунё” АА Нью-Йорк

КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАР САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШ ОЙЛИГИ

ҲАЛОЛ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Дилфуза ИСМОИЛОВА, Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Интеллектуал мулк агентлиги етакчи мутахассиси

Ҳар бир инсон яхши ният билан бозорга ёки савдо мажмуасига йўл олар экан, сифатли, ўзининг дидига мос маҳсулот харид қилишни истади. Лекин шундай бўлмаган ҳам бўладики, ҳақиқийдан ажратиб биров мушқулроқ, Яъни уларни сотиб олаётганда ҳар қандай инсон адашиши ёки чалғиши мумкин. Бир неча мўддат ўзашдан кейин эса танлаган маҳсулот аслига ўхшамаслигини сезиб қолади.

Афсуски, бозорларда фармацевтика, озиқ-овқат соноати ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқарилган контрафакт маҳсулотларни қўллаб-қўриштириш мумкин. Бундай маҳсулотлар интеллектуал мулк ҳўқуқи бузилган ҳолда тайёрланиб, муомалага чиқарилмоқда. Шунингдек, контрафакт маҳсулотлардан, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти ҳамда истеъмолчилар зарар қўради. Бундай маҳсулотни харид қилган истеъмолчи нафақат ўз соғлиғига, балки, оила ва давлат бюджетига ҳам зарар етказиши мумкин.

Бундай муаммоларнинг олддини олиш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ республикамиз бўйлаб ҳар йили контрафакт маҳсулотлар реализациясига қарши самарали курашни киргизаётган махсус ойлик ўтказиш белгиланган. Айни кунларда юртимиз бўйлаб шундай тадбирлар давом этмоқда.

Ушбу ойлик давомида Интеллектуал мулк агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бозорларда, савдо мажмуалари, кўча савдо объектларида контрафакт маҳсулотлар реализациясининг олддини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказмоқда. “Агентлик — ҳалол тадбиркорга мададкор” шори остида тадбиркорлик субъектлари ўртасида уларнинг фаолиятига ўз товар белгиларини жорий этиш бўйича амалий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш назарда тутилган учрашувлар, давра суҳбатлари каби тадбирлар ташкил этилаётди.

Қолаверса, агентлик контрафакт маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида доимий равишда тадбиркорни амалга ошириб боради. Хусусан, 2020 йил давомида агентлик томонидан олиб борилган

70 дан ортиқ кузатишлар жараёнида аниқланган 50 дан ортиқ контрафакт маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва савдоси бўйича қўнчимчилик чоралар қўрилган бўлса-да, ҳозирда ҳам айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва савдоси давом этаётгани бу соҳадаги ишларга эътибор, масъулиятни янада кучайтиришига таъто эмозма.

Ачинарлики, бу ҳолат носоглом рақобат муҳитини юзага келтириши баробарида инсон манфаати ва саломатлигига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин. Адлия вазирлиги ҳўзуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг республика миқёсида босқичма-босқичма контрафактсиз ҳудудларни яратиш ва ушбу муаммага қарши самарали курашиш йўлини танлагани бу борда муҳим қадам бўлди. Агентлик мазкур лойиҳа орқали тадбиркорларнинг ҳалол рақобатга киретишини таъминлаш, ўз товар брендинга эга ишлаб чиқарувчилар бизнесини ҳимоялаш, савдо рastaларида контрафакт маҳсулот айланмасини чеклаш ҳамда аҳоли орасида сифатли, ишончли маҳсулотларни харид қилишни тарғиб қилишди. Энг мўҳими, савдо дўкнларида хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмолчи асл маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумотга эга бўлиши ва сохта маҳсулотлар реализациясининг олддини олишга эришилди.

Энди мисолларни мурожаат қилайлик. Кўнчи кеча Тошкент шаҳридаги “Чорсу” бозори ҳудудида жойлашган савдо рastаларида интеллектуал мулк ҳўқуқларига риоя этилиш ҳоллари бўйича кузатишлар олиб борилди. Кузатишлар жараёнида тегишли қўнчимчиликларини бузган ҳолда омма орасида машҳур бўлган (бренд) товар белгиларига адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган 27 турдаги контрафакт маҳсулотлар сотилаётгани аниқланди. Агентликка бу бордаги ишларни ташкил этишда тадбиркорлар ҳам кўмак бермоқда. Зеро, ушбу ташаббус агентлик учун эмас, балки тадбиркорлар ва аҳоли манфаати учун хизмат қилади.

Яна бир эътиборли жиҳат, контрафакт маҳсулотлар савдосининг олддини олишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш зарур. Бу жараёнда ҳар бир юрtdошимиз иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Шу ўринда тадбиркорларга ҳам мурожаат қилиб айтқочимизки, агар ишлаб чиқарувчилар контрафакт маҳсулотлар савдосига дуч келса Интеллектуал мулк агентлигининг (71) 232-50-40 ишонч телефони ёки телеграмдaги ima_monitoring_bot канали орқали мурожаат қилиши мумкин.

ДЎСТЛИК РИШТАСИ

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ СУЮКЛИ АДИБИ



Бошланиши 1-бетда

Пойтахтимизда буюк озарбайжон шoirи Низомий Ганжавий, машҳур грузин шoirи Шота Руставели, улғур шoirи Александр Пушкин, қозоқ шoirи ва мутафаккири Абай Қўнонбоев, атоқли туркман шoirи Махтумқули, танқили беларусь шoirи Якуб Колас, буюк қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов шарафига ҳайкаллар ўрнатилган.



Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо. Ўзбекистоннинг чин дўсти эди. Зотан, бу улғур инсон минтақаси тинчлиги ва осойишталиги, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртимизда Чингиз Айтматовнинг ижодига қизиқиш ҳаммиса юқори бўлган. Айниқса, 2018 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши юрtdошимизда улғур адиб ижодини ўрганиш

борасида янги даврни бошлаб берди. Унинг баркамол асарлари мамлакатимизда ҳар гал жуда катта нусxada нашр этилмоқда. Ижоди ва ҳаётига бағишланган мавзу адабиёт дарсликларидан ўрин олган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида эса “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли доимий экспозиция ташкил қилинган.

Кўни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги Чингиз Айтматов ёдгорлиги пойида ўтказилган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шoirи Сирожиiddин Саййид, филология фанлари номзоди, адабиётшунос

ИННОВАЦИЯ

ТЕЗ ОРАДА РОБОТЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТА БОШЛАЙДИ...(МИ?)

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Биз бугун деярли барча жабҳада жамиятни электрон қурилмалар, технологик воситалар, шу жумладан, роботлар қамраб олаётган муҳитда яшаймиз. Бу жараён шу қадар тезлашиб кетдики, эндиликда турли интерактив ўйинчоқлар, робот-фаррош, робот-полициячи, робот-ҳамшира ва шунга ўхшаш сарлавҳали янгилликлар бизни ҳайратга солмай қўйди.

Илм-фан ва техника ютуқлари асосида яратилаётган замонавий роботлар бугун барча соҳаларга кириб борди. Сармоядорлар ҳам ўз бизнесини роботлар асосига қуришга интилишмоқда. Сабаби, роботлар нисбатан қийинроқ амалларни кунига 24 соат давомида бажара олади, сифати юқори, касал бўлмайди, тушлик учун танаффус ва таътилга муҳтож эмас. Шу билан бирга улар лавозими, ойлик маоши ва нафақа ошишни талаб қилишмайди, инсон ҳаёти, саломатлиги учун хавфли вазифаларни ҳам бажара олади.

РОБОТ ВА ИНСОНИЯТ


Роботлар ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлида одам қиёфасидаги қурилма гавдаланади. Ҳозирда эса бу соҳа ривожланиб, унинг йўналишлари, бажарадиган функциялари анча кўпайган. Шунга кўра, уларни маиший, тиббий, жанговар, ўйинчоқ роботлар, наноробот каби ўнлаб турларга ажратиб мумкин. Ташқи кўриниши ва қурилиши жиҳатдан эса андроид (одамсифат робот) ва биороботга (бунда одам ёки ҳайвон мияси ўрнига сунъий мия (процессор) ўрнатилган бўлиб, тананинг қолган қисми табиий кўринишида бўлади.

— Халқаро робототехника федерацияси (IFR) ҳар йили турли мамлакатлар санатининг роботлашганлик даражасини кузатиб боради, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги "Яшнобод" инновацион технопарки хузуридаги "Interactive robot solutions" корхонаси раҳбари Фаррух Муродов. — Мазкур федерациянинг 2016 йилги маълумотларига кўра, дунё бўйича ўртача 10 000 ишчи 74 тадан саноат роботи тўғри келган ва унда Жанубий Корея, Сингапур, Германия, Япония, Швеция, Дания, АҚШ, Италия, Бельгия, Тайван давлатлари энг ийрик роботлашган мамлакатлар ўнталигидан жой олган.

Бу рўйхат йилдан-йилга кенгайиб, кўрсаткичлар ошишда давом этяпти. Айрим мутахассислар бу жараённи табиий ҳолат сифатида қабул қилмоқда. Уларнинг фикрича, келажакда роботлар ҳали бери уддалай олмайдиған хислатларга эга кадрларга эҳтиёж пайдо бўлади. Ўз ўрнини роботларга бўшади берган аҳоли учун янгича фаолият турлари (инсонларга далда бў-

лиш, уларни руҳлантириш, муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашиш, ўзаро муносабатларни ўрнатиш, либослар танлашда, шахсий имижни яратишда ёрдам бериш каби) пайдо бўлади. Бундан ташқари, асосий вазифалар-

рак. Борди-ю бу бизнинг зараримизга хизмат қилса, оқибатда ўзимиз айбор бўлиб чиқамиз. Агар улар дунёни яхши томонга ўзгартира олса, бунинг сабаб-чилири ҳам фақатгина ўзимиз бўламиз. Энг муҳими, роботларни яратиш ва



"INTERACTIVE ROBOT SOLUTIONS" МАРКЕТИНГДА СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЯНГИ БОШЛОВЧИ ВА НАФАҚАТ СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТГА ЭГА ТУРЛИ ФОРМАТДАГИ РОБОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ, БАЛКИ РОБОТ ИНФОРМАТОР ҲАМДИР. У ИШЛАБ ЧИҚАРАётган РОБОТЛАР ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЎРНАТИШИ ВА УЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШИ, ШУНИНГДЕК, ҚЎЛЛАНА СИФАТИДА МАҲСУЛОТ, ХИЗМАТ ЕКИ ОБЪЕКТГА ТЕГИШЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ МУМКИН.

нинг роботлар томонидан бажарилиши одамларга ўзи учун кўпроқ вақт ажратиш, ижод ёки ёқтирган машғулот билан кўпроқ шуғулланиш имконини беради.

Келажакда роботларнинг инсониятга қай даражада таъсир кўрсатиши ёки жамиятдаги ўрни қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг яратувчиси, аввало, инсон эканини унутмаслик ке-

лардан фойдаланишда қуйидаги таомилларга амал қилина бўлган. Айтайлик, робот ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан инсониятга зарар етказмаслиги керак. У одамзод томонидан бериладиган барча буйруқларни, агар улар тамоилига зид бўлмаса, сўзсиз бажариши лозим. Робот қонун-қоидаларни бузмаган ҳолда ўз хавфсизлиги ҳақида ҳам қайғуриши даркор.



ЎЗБЕКИСТОНДА БУ СОҲА ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

Ҳадемай юртимиздаги кўча-кўй, савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш мажмуаларида робот хизматчиларни кўриш одадий ҳолга айланади. Бугунги инновацион ишлаб чиқариш жараёнидаги нишонлар шундан дарак берапти.

— Ишланмаларни реал ҳаётга олиб кириш учун, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш керак, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги "Яшнобод" инновацион технопарки директори ўринбосари Темурубек Олимов. — Патентлаш ва ундан кейинги жараён — амалий ҳаракатга кўмак зарур. Ёшлардан қўллаб-қўйиб лойиҳалар чиқади, лекин улар қимга учрашиш ёки қаерга боришни билмайди. Уларга тўғри йўналиш берадиган махсус муассаса ташкил қилиниши керак. Техника соҳаси ривожлантирилса, технопарклар сони кўпайтирилиб, илм-фанга янада эътибор берилса, соҳада силжиш кўзга ташланади. Аммо шу ўринда қучли ва салоҳиятли кадрлар бор, қўллаб-қувватлаш ва эътибор эса мақтанарли даражада эмаслигини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда қувонarli англиклар ҳам йўқ эмас. Мамлакатимизда мазкур йўналишларни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар жадаллашмоқда. Фаолият кенгайиб бораётган "IT парк"лар, "Миллион дастурчи", "Ёшлар технопарклари" фикримизга далил бўла олади. АҚШ, Германия, Япония, Франция, Корея, Канада каби 30 дан ортиқ давлатларда сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиялари қабул қилинган. Президентимизнинг "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кен

қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қабул қилинди.

Яшнобод инновацион технопарки резиденти — "Interactive Robot Solutions" корхонаси маркетинг ва бошқа соҳаларда сунъий интеллектни қўллаш бўйича фаолиятини йўлга қўйган инноваторлардан. Ҳозир бу ерда сунъий интеллектли турли форматдаги роботлар ишлаб чиқариламоқда.

"Interactive Robot Solutions" маркетингда сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича янги бошловчи ва нафақат сунъий интеллектга эга турли форматдаги роботларни ишлаб чиқаради, балки робот информатор ҳамдир. У ишлаб чиқараётган роботлар одамлар билан мулоқот ўрнатиши ва уларнинг саволларига жавоб бериши, шунингдек, қўллаш сифатида маҳсулот, хизмат ёки объектга тегишли маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Бугунги кунда роботлар одамларга маҳсулот, хизмат ва объектлар ҳақида маълумот етказиб, саволларга жавоб беради. Робот-консультантлар меҳмонхоналарда меҳмонларни кутиб олиш, бошқарувчилик вазифасини бажариши, ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланиши мумкин.

Oxford Economics ташкилотининг маълумотларига кўра, ишлаб чиқариш соҳасида роботлар одамларнинг ўрнини борган сари кўпроқ эгаллайверади. Аммо компаниялар харажатлари ҳам қисқаради. Натижада иқтисодий самардорлик ўсиб, янги иш ўринлари ташкил этилишига сабаб бўлади. "Interactive Robot Solutions" ишлаб чиқараётган

ADBOT (хизмат қилувчи робот) нутқни ажратиш, қидирув ва юзни аниқлаш, нутқни тушуниш, тактифлар билдириш лаёқатига эга. ADBOT одамлар билан мулоқот қилиш ва уларга турли хизматлар кўрсатиш, жумладан, муайян масалада маслаҳат бериш, тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган.

"Яшнобод" инновацион технопарки дирекцияси раҳбари Фарҳод Жумаевнинг сўзларига кўра, айни пайтда одамларга навигация билан ёрдам берувчи, саволларга жавоб қайтарувчи, промо материалларни трансляция қилувчи ва ўзи мулоқот қилган одамларнинг ҳаммасини эслаб қолувчи [X]Adbot[/X] роботи ҳозирча фақат экспорт учун чиқариламоқда. Аммо мамлакатдаги банклардан бири бундай роботга буюртма берган. Ҳозир у йиғиш босқичида.

— Мазкур универсал робот тиббиёт, тадбиркорлик, таълим, туризм каби соҳалардаги ҳар кунлик вазифаларни бажаришга кўмаклашади, шунингдек, имконияти чекланган инсонлар учун иш ўринларининг қўлайлигига хизмат қилади, — дейди Фаррух Муродов. — Ёрдамчи-робот мулоқот қилиш билан бир қаторда ўз ҳиссиётларини ҳам изҳор қила олади, уни ишхонада ёки уйда кўмакчи сифатида ишлатиш мумкин. Буюртмачининг хоҳишига кўра, мазкур роботи истаган кўринишда яшаш мумкин. Шунингдек, сунъий интеллект, одамни таниш, хонадаги ускуналарни бошқариш каби қўшимча функцияларни ҳам қўшиб яратиш имконияти мавжуд. Роботни илова орқали ёки овоз билан бошқариш мумкин.

Мазкур лойиҳани ривожлантириш орқали робот ассистентлари жорий этилиши юртимизнинг хизмат кўрсатиш соҳаларида жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, замонавий роботларнинг кенг татбиқ қилиниши ёшларда робототехникага, муҳандислик соҳаларига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Робототехника соҳасида импортни камайитириб, ички ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиради.

САЙЁР ҚАБУЛ

МУАММО, МУРОЖААТ, ЕЧИМ



Бошланиши 1-бетда

Рўзимбой ҲАСАН,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Энди сайёр қабул бўйича бевоСИТА рақамларга тўхталсак. Жами 711 нафар фуқаро қабул қилинган бўлса, уларнинг 239 нафари жиноят, 318 нафари фуқаролик, 118 нафари маъмурий, 36 нафари иқтисодий ишлар бўйича судлар ҳукми ва қарорларига оид шикоятлар билан келишди. Эътиборлиси, 312 та муурожаат қабул давомида ижобий ҳал қилинди.

Сайёр қабулда Олий суд раисидан ташқари Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Божжона қўмитаси масъул раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ ҳам иштирок этгани кўпгина муурожаатларни тезкор ҳал қилишга ёрдам бери.

Шунингдек, сайёр қабул давомида

нисбатан алимент ундириш бўйича суд буйруқлари чиқарилди.

Сайёр қабулда бир фуқаронинг муурожаати бўйича юридик факт белгиланди. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик объектлари, фермерлару деҳқон хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг даъвогарлигида 4 827 066 000 сўмлик жами 28 та даъво ариза ҳам иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг 3 147 550 000 сўмлик даъво аризалари қанотлантилди.

Аҳолининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги муурожаатларига самарали ечим топиш, шу йўналишдаги чигал ва йиллар давомида ҳал бўлмаётган масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳат бериш ва ижобий ҳал қилишни кўзлаб ташкил қилинган сайёр қабулдан юзлаб фуқаролар хурсанд бўлишгани, бундай қабулларни мунтазам ўтказиш кераклиги ҳақида фикрларни эшитдик.

САЙЁР ҚАБУЛДА БИР ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТИ БЎЙИЧА ЮРИДИК ФАКТ БЕЛГИЛАНДИ. ШУНИНГДЕК, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ОБЪЕКТЛАРИ, ФЕРМЕРАЛУ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ЯҚКА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ДАЪВОГАРЛИГИДА 4 827 066 000 СЎМЛИК ЖАМИ 28 ТА ДАЪВО АРИЗА ҲАМ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, ТАДБИРКОРЛАРНИНГ 3 147 550 000 СЎМЛИК ДАЪВО АРИЗАЛАРИ ҚАНОТЛАНТИРИЛДИ.

муурожаатлардан келиб чиқиб, очик суд мажлислари ҳам ўтказилди. Бу суд мажлисларида оозодликни чеклаш жазосини ўтаётган 43 нафар маҳкум белгиланган тартибга амал қилгани, чин дилдан пушаймонлиги ҳамда туман пробация гуруҳи тақдимномасига биноан ўталмай қолган жазо муддатидан шартли равишда озод қилинди. Яна 3 нафар шахсга оид жиноят ишлари икки томон ярашгани туфайли тугатилди. 38 нафар шахсга

Тўғри-да, юқорида санаб ўтилган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш, ечим топиш учун барча даражадаги судлар неча ой, балки йиллаб фуқароларни овра қилишлари мумкин эди. Бунга кўп гувоҳ бўлаётгандик.

Демак, ойлаб, йиллаб ечим топмаган масалалар уч кун ичида ҳал бўлди. Юзлаб фуқаролар адолат истаб пойтахтга бориш ташвишидан қутулди. Негаки, Олий суд раҳбари уларнинг хузурига ўзи келди!

КЕЧИРИМЛИК НАМУНАСИ

Президентимизнинг "Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало, оилага, жамият келажигига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир", деган ғояси асосида юртимизда судлар томонидан ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоялаш, оилалар барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этишига эришиш, уларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.



ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК СИЁСАТИ

туфайли 21 нафар аёл қамоқдан шартли озод қилинди

Орифжон ЖўРАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Наманган вилоят судлари томонидан инсонпарварлик ва бағрикенгликка йўғрилган сиёсат туфайли турли хил сабаблар билан йўлдан адашган, жинсий қилмишга қўл урган бўлса-да, хатосини тушуниб, айбига чин кўнгулдан пушаймон бўлган аёлларга енгиллик берилмоқда.

Хусусан, 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси талаблари асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш юзасидан Ички ишлар органлари пробация гуруҳлари томонидан қиритилган тақдимномалар кўриб чиқилди.

Наманган вилоят, туман (шаҳар) жиноят ишлари судлари томонидан 21 нафар аёл тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги сабабли муддатидан аввал жазодан шартли озод этилди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Норин туман суди томонидан ўғрилик жиноятини содир этган икки нафар аёлга инсонпарварлик тамойили асосида қонунда белгиланганидан ҳам енгил жазо тайинланган.

Янгиқўрган туман суди томонидан икки нафар аёл ярашув институти асосида судда яраштирилган. Жумладан, Янгиқўрган туманида яшовчи вояга етмаган Ш. Г. 2020 йил 11 ноябрь куни туман марказида жойлашган деҳқон бозори ёнида "Бешбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Я. Г. билан ўзаро жанжаллашиб қолган. Улар бир-бирини ҳақоратлаб тан жароҳат етказган.

Олиб борилган тергов ва суриштирув ишларидан сўнг Ш. Г. ва Я. Г. ларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 277-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрган туман суди томонидан ушбу жиноят ишига атрофича ҳуқуқий баҳо бери-

либ, аёллар айёми арафасида уларнинг ярашиб олишларига имкон яратилади ва ярашувнинг мазмун-моҳияти тушунирилади.

Суд судланувчилар аёл эканлигини, Халқаро хотин-қизлар санасини инобатга олган ҳолда икки Жиноят кодексининг 61-1-моддасига кўра ярашув билан тугатади.

— Энг муҳими, суд томонидан жиноят содир этган, бирок қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва ахлоқан тузалиш йўлига ўтган маҳкумларга жамият ва ўз оиласига фойдаси тегадиган иш билан шугулланишига имкон берилганлиги халқимизнинг кечиримлилик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг рўёбга чиқарилиши билан бир қаторда, ҳаётда ўз ўрнини топишларига, эл-юрт тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшишларига яна бир ишонч ва имкондир, — дейди Наманган вилоят суди жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими масъул ходими Икромжон Орифжонов.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА



Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулла Орипов номидаги ижод мактабидеа бугунги кунда 146 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қарши шаҳрида қад ростлаган мазкур мактаб ўтган уч йил ичида ўнлаб истеъодли ўқувчиларни кашф этди.

Мактаб ўқувчилари "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадаларида она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, биология, кимё, математика фанларидан юқори кўрсаткичларга эришди. 2019 йилда 9-синф ўқувчиси Эъзога Алишеров "Sakura science program" дастури асосида Япония илим-фан ва технологиялари агентлиги ташкил этган анжуманда Абдулла Орипов шеърларини инглиз ва япон тилларида ўқиди. У бешта тил, жумладан, япон тилида ҳам гапиришни ўрганди.

Эъзога 2019 йилда таълим йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Ҳозирги кунда



Тошкент давлат юридик институтининг 1-босқич талабаси.

Мактаб ўқувчиларидан Севинч Омонова, Эъзозбек Чўлиев, Дилбоб Бозоров, Бобомурод Саъдуллаев, Шаҳина Собирова, Мадина Омонова Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ўтказган "Йилнинг энг ёш истеъодли шоири", "Еш китобхон", "Заковат", "Ҳаётини сев", "Йил ҳикояси — 2020", "Темур тузуқлари билимдонлари" каби кўриқ-танловларда ғолиб бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг ижод маҳсули "Митти юлдуз жиполари", "Яна баҳор келди", "Ватан бахти", "Қувноқ болалар" каби тўпламларда чоп этилди.

Абдулла Орипов ижоди нафақат миллий, балки умуминсоний ғоялар билан ҳам сугорилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ёқутхон Жамолова. — Шу боис, шоир шеърларини хорижий тилларга ўғриш, таржимонлар

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ
ТЎПЛАНГАН МАСКАН

тайёрлашга ҳам эътибор қаратяпмиз. Ўқувчиларимиз Абдулла Ориповнинг "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Қушча", "Она тилим", "Митти юлдуз", "Она" шеърларини инглиз ва рус тилларида таржима қилди. Шоир ижодидан қилинган таржималар ижтимоий тармоқларда хорижлик олимлар томонидан юритилаётган саҳифаларда мунтазам ёритиб борилмоқда.

2019 йил Қарши шаҳрида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган "ОЛТИН СУЗ" ("GOLDEN WORD") халқаро адабиёт фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўнга яқин давлатидан келган ижодкорлар қатнашди. Ушбу халқаро анжуман 2020 йилда пандемия туфайли онлайн тарзда ўтказилди. Унда 35 давлатдан вакиллар иштирок этди. Тадбирда мактабнинг 10-синф ўқувчиси Севинч Ҳамроевнинг шеърӣ тўплами кўпчилик эътиборига тушди.

— Ижод мактаби шахсан менга жуда кўп нарсаларни ўргатди. Энг муҳими, кўзланган мақсадга фақат билим орқали эришиш мумкинлигини англадим, — дейди Севинч Ҳамроева. — Президентимизга Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ўзимнинг шеъримни ўқиб бериш бахтига муяссар бўлдим. "Қалб чизгиси" шеърӣ тўплами Буюк Британияда инглиз тилида чоп этилди.

Бугунги кунда илим-фан тараққиётини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим даргоҳидаги ўқув хоналари, лабораторияларнинг барчаси оптик талаби юқори тезликдаги интернет тармоғига улланган. Синф хоналари энг сўнгги русумдаги компьютер, интерактив доска ва видеопроекторлар билан жиҳозланган. Мактаб ўқувчилари ўзбек тили ва адабиёти билан бирга инглиз тили, ахборот технологиялари фанларини ҳам чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Таълим даргоҳининг 7-8 синф ўқувчилари Азизбек Омонов ва Сарвар Саъдуллаев "Абдулла Ориповни бирга ўрганимиз" компьютер дастурини ишлаб чиқди. У "Scratch" визуал дастурлаш услубида яратилган.

— Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб яратилган ушбу дастур орқали шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумотга эга бўласиз, — дейди Сарвар Саъдуллаев. — Унда ўрганган маълумотларингиз асосида тест сновидан ўттишигиз ҳам мумкин. Агар битта саволга тўғри жавоб берсангиз, ҳисобингизга 20 балл қўшилади. Нотўғри жавоб қайтарсангиз, 10 балл олиб ташланади. Баланинг 50 дан наст чикса, сиз янада кўпроқ ўқишингиз, ўрганишингиз керак, деган мотивация кўрилади. Шу орқали шоир ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш мумкин.

Мактабнинг биринчи қаватида шоир хотирасига эътиром сифатида мўъжаз музей ташкил этилган.



Ундан 300 дан ортиқ экспонат ўрин олган. Абдулла Орипов улғайган бешик, шоир болалиги билан боғлиқ сандал, шеърят кечалари, китобхонлик, оила даврасида, ижодкор онаси Турди Карвон қизи, отаси Ориф ота, болалик йиллари, тахсил олган мактаби биноси, устозлар, хорижий мамлакатларга қилинган сафарлар ақл этган суратлар, ижодкорнинг илк "Митти юлдуз" китоби, ҳаётининг сўнгги кунларида қораланган шеърлари, нашр этилган китоблари ва эсдалик совғалар шулар жумласидан. Улар орасидан ноёб бир экспонат — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг илк кўлэма нусхаси ҳам ўрин олган.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Қахрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Давлат мадҳиясини муаллифи Абдулла Орипов ижодий меросига бўлган юксак эътибор намунасидир. Айни пайтда мактабда мазкур санани муносиб нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Ижод мактаби ҳудуди ҳамда шоир ҳайкали жойлашган майдонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилляпти. Бундан ташқари, барча ижод мактаблари ўртасида "Митти юлдуз жиполари" шеърӣ мусобақаси, "Назм дорифунунининг бетакор шоири" мавзусида республика илмий-назарий конференциясини ўтказиш, ижод мактаби фаолияти ҳамда ўқувчилар шеърлари жамланган баёз нашр этиш каби тадбирлар кўзда тутилган.

МУКОФОТ МУБОРАҚ!

Муножат МҮМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Кейинги йилларда юртимизда хунармандчиликка доир қарор ва фармонларни ҳаётга жадал тағбиқ этиш орқали соҳани сезиларли даражада ривожлантиришга эришилляпти, десак хато бўлмайди. Бу, айниқса, аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, хунармандчиликка берилган имтиёз ва преференциялар натижасида 40 мингга яқин хунармандлар фаолият олиб бораляпти. Шунингдек, "уста-шогирд" аънаъаси доирасидаги шогирдлар сони 60 мингга яқинлашди. 589 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши натижасида 18 минг нафардан зиёд хунарманд 60 мингдан зиёд ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашга эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш асосида эса юртимизда соҳада аввал бўлмаган тизим яратилганига гувоҳ бўляпмиз. Қарор билан халқ амалии усталарининг миллий каталоги, ҳамда, "Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри"нинг ташкил этилгани қувонарли.

Ҳа, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда хунармандчиликнинг ўрни ғоят муҳим. Зеро, дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳлар ҳайратини ошираётган кўхна обидалари-

миз миллий хунармандчилигимиз намуналари билан янада мафтункорлик касб этади. Айниқса, бежирим кашталар билан безатилган буюмлар ўзимизнинг-да ҳавасимизни оширади. Энгна миллий либос кийиб, унга монанд каштали картмончаю сумка харид қилаётган аёлларимизнинг миллийликни, ўзгилгимизни қадрлаётганидан беҳад қувонамиз.

ХУНАРИ БОР ЭЛДА
АЗИЗ, ДЕГАН ГАП ЧИН
ЭКАН

8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотланганлар орасида хунарманд аёлларнинг ҳам борлиги соҳа вақилларини қўллаб-қувватлаш, муносиб рабатлантиришнинг амалдаги кўринишидир. Бу аёллар билан суҳбатда уларнинг ҳар бири мана шундай эътибор ва эътирофга лойиқ эканига амин бўлди.

— 14 ёшимдан буюн каштачилик билан шуғулланиб келаман, — дейди шахрисабзлик миллий каштачи-хунарманд Ойжамол Сатторова. — Момоларимиз, оналаримиз, холаларимиз хунарини кўриб, кашта тимкай жим тура олмас эдик. Улар шу хунар билан тиркичилик қилиб, уни авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Мен еттинчи авлодман. Мукофотланганимни эшитиб, бутун оиламиз билан тўлқинланиб кетдик. Хунари бор элда азиз, деганлари рост эканига бугун амалда гувоҳ бўлиб турибман. "Мехнат шухрати" ордени олишни

ҳаёлига ҳам келтирмаган Ойжамол опа хунарнинг қудрати ҳақида момолари айтган гапларни бугуннинг қизларига такрорлашдан толмайди. Қизлари, набиралари, қўни-қўшилари, келинлари ҳам ундан каштачиликни астойдил ўрганаётгани бежиз эмас.

2010 йилда Шаҳрисабз ироқи каштачилик мактабини очганидан сўнг аввало, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, бу борада миллий каштачиликни мизни янада мукамаллаштиришга эътибор қаратди. Натижада 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Қадимий услубда бизиз, босма ва ироқи каштачилик борасидаги кўп йиллик бой тажрибаси туфайли Ойжамол опа Италия, Франция, Туркия, Эстония, Рига, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, сертификат ва дипломлар билан тақдирланган.

Ўз назарида кичик меҳнатларига катта эътибор қаратилганидан руҳланган хунарманд келгусида иш ўринларини янада кўпайтириб, экспорт ҳажмини ҳам сезиларли даражада ошириш ниятида.

САЙЁХЛАРИНИ МАФТУН
ЭТАЁТГАН БУХОРО
ҚОРАКҮЛИ

Пойтахт дўконлари ёки бозорларида қоракўл терисидан тикилган либосларни кўриб ҳавас қилар эканмиз, нархи бироз қимматлик қилляпти-да, деймиз-у либоснинг шунга яраша сифатли эканини ҳам инкор этмаймиз. Энг ками бир ярим миллион сўмдан бошланадиган қоракўл

пальотарию нимчалари чет элга камида 2,5-3 миллион сўмдан кириб боради. Шу боис, қоракўл терисининг бир парчасини ҳам исроф қилмай, моҳирона фойдаланаётган бухоролик Шарифа Ҳалимова янгиликлар яратишга интилади. Опа бошчилигида бугун 50 дан зиёд қоракўл либослари тикилаётгани фикримизни тасдиқлайди.

— Президентимиз қоракўлчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётган бир пайтда мен ҳам ўз мактабимни очиб, бу соҳани янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқчиман, — дейди Шарифа опа. — Сайёҳлар билан кўп ишлаганим учун ишонч билан айтаманки, чет элликлар Ўзбекистоннинг, Бухоронинг қоракўлига бошқача нигоҳ билан қарашади, янги-янги услубдаги либосларимиздан завқланади. Буюртма берганларидан, "бир кунда тикиб бераман", десам, ҳайратга тушади ва чеким миннатдорлик билдиради. Шунда ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетаман. Шунинг учун экспортни кенг йўлга қўйиш ниятим бор.

Ҳа, Шарифа опа Бухоронинг обрўли ва ташаббускор хунармандларидан бири. Ўзининг ишбилармонлиги туфайли ички ва ташқи бозорда харидориги бўлган 50 дан ортиқ турдаги бош кийим ва кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирги кунга хунарманд уста 10 дан ортиқ иш ўринлари яратиб, қоракўл теричилик санъатини ёш авлодга етказиш мақсадида 20 дан ортиқ шогирд тайёрламоқда. "Шухрат" медалига муносиб кўрилиши эса уни янада руҳлантирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

БОЛАЛАР
—
БАХТИМИЗ БАҲОРИ

Бошланиши 1-бетда

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бугунги кунда тумандаги маҳалла ва қишлоқларда 18 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 5 та давлат-хусусий шериклиги шаклидаги, 24 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, жами 47 та МТТ фаолияти йўлга қўйилган. Бу йилда 3780 нафар бола тарбияланяпти. Туманда хозирга қадар мактабгача таълим ёшидаги (6 ёшдаги) 1587 нафар боладан 1010 нафарини қамраб олиш ҳисобига қамров даражаси 63,6 фоизга етишига эришилди. 2021-2022 ўқув йилида туманда 6 ёшдаги 577 нафар боладан 310 нафарини қамраб олган ҳолда, бу кўрсаткични 83 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ҳақиқатан ҳам, мактабгача таълим шахс ривожига энг муҳим босқич ҳисобланади. Айнан мана шу даврда болада билим олишидаги илк кўникмалар шаклланади. Боғчада сифатли таълим-тарбия олган бола мактабга ортиқча қийинчиликларсиз мослашади. Уларда ўз тенгдошларидан фарқи равишда жисмоний ривожланганлик, ўз-ўзига ҳизмат кўрсатиш ва шахсий гигиеник малакалар, ижтимоий-коммуникативлик, ёши ва ўқиш малакалари, элементар математик билимлар орқали мантиқий фикрлаш, таҳлил қилиш, таққослаш ва ижодий эстетик лаёқатлар шаклланган бўлади. Қолаверса, болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог кадрларини жалб қилган ҳолда, ёндашиш ҳам ижобий натижа беради. Чунки гўдаклигидан уларнинг онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади.

— Шу мақсадда айни пайтда туманимиздаги барча МТТ малакали кадрлар билан етарлича таъминланди, — дейди Нурота тумани мактабгача таълим бўлими мудир Саодат Ражабова. — Масалан, тизимда 263 нафар педагог фаолият юритиб, шундан 89 нафари олий, 20 нафари тўлиқсиз олий, 20 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Бироқ хореограф мутахассиси бўйича етишмовчилик мавжуд. Ҳозир ушбу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан, тумандаги мавжуд МТТларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича "Йул харитаси" тузилди. МТТ тарбияланувчиларини миллий қадриятларимизни қадрлаш, уларни асраб-авайлаш, аънаъларимизга содиқлик руҳида улғайтириш мақсадида миллий бурчаклар ташкил этилди. Шунингдек, болаларда ёшлагидан мутоллага қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларининг "Болажон кутубхонаси"да 5000 дан зиёд турли болалар адабиёти жой олган. Жумладан, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида "Болажон кутубхонаси" лойиҳаси доирасида 200дан зиёд эртак китоб ва аудио эртак дисклдан иборат мўъжазгина кутубхона ташкил этилди. Тумандаги барча мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва уларнинг ота-оналари томонида "Бир болага — беш китоб" шiori остида доимий китоб марафонлари ўтказиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мактабгача таълим тизимида ҳам қилганимиздан кўра, қилишимиз лозим бўлган устувор вазифалар турибди. Негаки, эртанги кунимиз ва келажакимиз айнан бугун мактабгача таълим ташкилотларида вояга етаётган, тарбияланаётган жажжи фарзандларимизга боғлиқ. Зеро, болалар бахтимиз баҳори. Улар бизнинг порлак келажакимизни белгиловчи, эзгу мақсадларимиз рўбенини таъминловчи асосий кучдир!

Дарҳақиқат, тумандаги барча МТТларнинг миллий суратлар билан безатилишига эътибор қаратилган. Бу манзаралар бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг гўзалликка, табиатга, эзуликка ошно бўлишида катта роль ўйнайди.

Бундан ташқари, болалар "Зумрад ва Қиммат", "Бугирсоқ", "Шолғом", "Очил дастурхон", "Олтин тарвуз", "Тўғри ва эгри" каби кўплаб миллий эртаклар қахрамонларини билиш баробарида ижобий ва салбий образларни ажратишни ўрганади. Негаки, эзуликка йўғрилган эртаклар олами болаларни яхшилик сари йўналтиради, келажакда тўғри йўл танлашга кўмаклашади. Шу билан бирга, тарбияланувчилар буюк аждодларимиздан Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ҳақида билишлари уларни комиллик сари интилишига ундайди. Чунки боланинг илк ёшидаги орзуси то ўсиб улғайганда ҳам унга йўлдош бўлади. Шу боис, мутафаккир болаларидек катта тафаккур эгаси бўлиши, ўқиб изланишдан толмаслиқни улар онига боғча ёшиданок синдириш мақсад қилинган.

Шунингдек, миллий байрамларимизнинг нишонланиши болаларимиз азалии урф-одатларимиз — ҳалоллик, меҳнат-кашлик, меҳр, муруват, саҳийлик, одамлиликни қадрлашга ундайди.

— Бундан ташқари, болалар давлат рамзлари ҳақидаги тушунчага эга бўлиш шарт. Чунки болаларда боғча ёшиданок Ватанга садоқат, ота-онага муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуси шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди 1-ДМТТ тарбиячиси Фарида Эшимова. — Бу эзгу тушунчаларни ўргатишда тарбиячиларнинг роли катта бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бола тарбиясида маҳалла ҳам масъул бўлиб, МТТ ва маҳаллалар ўртасида доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Куни кеча "Истиқбол" МФЙда жойлашган 2-ДМТТнинг "Нафосат" жамоаси вилоят ҳокими кубоғи учун бўлиб ўтган "Гимнастрада" мусобақасида туман босқичида фахрли 1-ўринни, вилоят босқичида 3-ўринни эгаллади.

Тумандаги 1, 2, 3, 4, 6, 7, 13-мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия ишлари намунали ташкил этилган. Тизимда жонқуяр, ўз ишининг фидойиси, фаол, ташаббускор, изланувчан ходимлар анчагина. Масалан, 1-ДМТТ мобил гуруҳ тарбиячиси Дилдора Туробова, 13-ДМТТ тарбиячиси Нигора Ҳикматаева, 2-ДМТТ тарбиячиси Гулчехра Ҳотамова, 7-ДМТТ тарбиячиси Матлуба Ийдиевани ўз касбининг ҳақиқий фидойиси, дейиш мумкин. Бу тарбиячилар "Илк қадам" ўқув дастури асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиб, берилган билимларини тажрибалар асосида мустаҳкамлашмоқда. Шунингдек, таълим ва тарбия жараёнларида АКТдан унумли фойдаланиб, болалар фаолигини оширувчи, қобилиятини намоён этишга ундовчи, дунёқарашини шакллантиришга ҳамда кенгайтиришга ҳизмат қилувчи усуллардан фойдаланиб, таълим сифатини оширишда натижадорликка эришмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мактабгача таълим тизимида ҳам қилганимиздан кўра, қилишимиз лозим бўлган устувор вазифалар турибди. Негаки, эртанги кунимиз ва келажакимиз айнан бугун мактабгача таълим ташкилотларида вояга етаётган, тарбияланаётган жажжи фарзандларимизга боғлиқ. Зеро, болалар бахтимиз баҳори. Улар бизнинг порлак келажакимизни белгиловчи, эзгу мақсадларимиз рўбенини таъминловчи асосий кучдир!